

Қашқадарё воҳаси Аҳолисининг хўжалик фаолиятида чорвачиликнинг еуеган урни.

И.И.Абдуллаев
ЎзДЖТСУ ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада Қашқадарё аҳолисининг кундалик ҳаётида чорвачиликнинг ўзига хос томонлари, чорвачиликнинг ривожланиш босқичлари, аҳоли ҳётининг узвий бир бўлаги ҳисобланиши, майда шохли чорва молларинг турлари, аҳоли ҳаётида майда ва йирик шохли чорва молларнинг ўзига хос жиҳатлари, яйлов йирларга бўлган муносабатлари каби тарафлари ёритиб берилди.

Калит сўзлар: Майда шохли, тоғли, аҳоли, яйлов, чўл, адир, қўйчилик, йилқичилик, туячилик, сут ва сут маҳсулотлари, чўпон, қўчманчи, ўтрок, оғил, ҳисори, паст текислик, отарлар, пичок, бигиз, паки, қайроқ, чақмоқ тош.

Аннотация

В данной статье рассматриваются особенности животноводства в повседневной жизни жителей Кашкадарья, этапы развития животноводства, расчет интегральной доли отрасли в поголовье скота, виды мелкорогого скота, население Жиздры майды и йирика шохли чорвы молларнинг ўзига хос жиҳатлари, пастбище было освещено по бокам, например, по отношению к ярам.

Ключевые слова: Крошечный рогатый, горный, населенный, пастбищный, пустынный, горный, овцеводческий, коневодческий, верблюжий, молочный и молочный, пастушеский, кочевой, оседлый, Агиль, Гиссарский, низменный равнинный, конский, ножевой, большой, паки, Кайрак, кремень.

ABSTRACT

In this article, the peculiarities of animal husbandry in the daily life of residents of Kashkadarya, stages of development of livestock, the population of Göttingen consists of a large settlement swamp, small cattle and a mollarine turlary, in the lives of the population, the specific aspects of small and large-horned livestock were illuminated, as well as their attitudes towards pasture yards.

Key words: Spotted horned, mountain, population, pasture, desert, adir, sheep farming, sheep farming, camel farming, dairy and dairy products, Shepherd, Nomad, grazier, low deck, arrows, knife, bigiz, Paki, kayak, lightning stone.

Халқинг анъанавий моддий маданиятининг бошқа соҳалари сингари кийим – кечаклар ҳам тарихий тараққиёт давомида тараққий этиб юксалиб

Ўлкамиз аҳолиси чорвачилик билан қадим замонлар буён шуғулланиб келади. Бунга чўл, адир ва тоғларда яйловларнинг қўпчилиги асосий омил бўлиб, хизмат қилган чорвачилик ўрта асрларда айниқиса юксалган. Йирик чорвадор бойлар қўлида минглаб чорва моллари жамланган. Хусусан X аср араб саёхи Ибн Фадланинг ёзишича айрим ғуз (ўнғуз) бойларида ўн минглаб йилқи, юз минглаб қўйи-эчкилар жамланган[1]. Ўрта Осиё хонликлари ҳукумдорлари, уларнинг қариндошлари ҳам кўплаб чорвага эгалик қилганлар. Хусусан Аштархоний Нодир 80 минг араби зотли қоракўл қўйлари бўлган.

XX асрнинг бошларида чорвачилик билан асосан ярим ўтрок ўзбеклар машғул бўлган. Чорвачиликда асосий ўрини қўйчилик, йилқичилик, туячилик эгалласа, йирик шохли молар иккинчи даражали ўрин тутган. Айрим чорвадор бойларда ҳам катта сондаги қўй эчкилар бўлган. Жумладан Ғаллоролнинг Қорақишлоқлик Мулла Дўсмат мингбошида 40 минг қўй, Тожикистоннинг Кулоб беклиги лоқай қабиласидан Ўтабойнинг 15 мингдан 30 та оталари,



Ҳисор лоқайлардан Матянбойнинг 1000 та йилқиси бўлган[2]. Рус тадқиқодчиси А.Д. Грибенкининг ёзишича Зарафшонинг ўрта қисмида яшовчи найманларнинг ўрта ҳолларида 100 тагача бойларида 9 минг тагача майда шохли моллари бўлган. Айни пайтда оддий чорвадорларда бир неча бош қўй – эчки бўлиб, оиласлари эҳтиёжларидан ортмаган.


Чорвачилик билан фақат ярим ўтроқ аҳоли шуғилланмаган. Айниқиса чўл дашт, тоғолди худудларига яқин аҳоли ҳам чорва боққанлар. Воҳалар айниқса шаҳарлар аҳолисида гўшт ёғга талаб катта эди. Жумладан Бухоро шаҳри атрофларидаги қишлоқлар аҳолиси ҳар ойда 6 мингта қўй гўштини истеъмол қилишган[3]. Самарқанд, Бухоро Зарафшон воҳасининг бошқа шаҳар ва қишлоқлари учун асосий чорва Ҳисор водийсидан қорлуқлар ҳамда лоқайлар боққан отарлардан ҳайдаб келинган[4]. Ўлка аҳолисини гўшт - ёғ маҳсулотлари билан таъминлашда Шимолий Авғонистонда яшовчи кўчманчи қатағонлар Қозоқ ва Қирғиз чорвадорлари ҳам қатнашганлар. Расмий маълумотларга қараганда Фарғона водийсига 1885-йили 276 – 983 бош қўй сотишга келтирилган Қирғиз ва Қозоқлардан қўйни нақд пулга (чекланган миқдорда), бўнак (аванс) тарзида, кузда тўлаш шарти билан қўйларни эгаларида боқишига қолдириб баҳорга қадар зарур пайтда эҳтиёжга қараб олиб турганлар. Ёппасига (оптим) савдода молни арzonроқ олганлар.

Боқилган қўйларнинг асосий ҳаридорлари қассоблар бўлганлар, улар гўштни имкон даражасида ўз фойдаларини ўйлаб сотганлар. Шу тариқа қўй гўшти ва ёғи истеъмолчига еткунча нархи бир неча баробар кимматлашиб борган. Оқибатда ҳамма ҳам гўшт олиш имкониятига эга бўлмаган шунинг учун кимда имконият бўлса 1 – 2 қўй ёки эчкини боқиб қишида сўйиб олишган. Қўйчиликдан ташқари Қашқадарё воҳаси Ўзбеклари йирик шохли мол ва отлар, туялар ва эшакларни ҳам боқишиган. Бу ҳайвонлар асрлар давомида омочга қўшиш, юқ ташиш шунингдек асосий транспорт воситаси бўлган. Дала тадқиқотларида ахборотчилар билан сұхбат чоғида селхоз-калхозларда 1957-йилга қадар от, туялар, аравалар кўп бўлганини, туманлардаги МТС.лар тарқатилиб, машина ҳамда тракторлар хўжаликларга тақсимланганидан кейин от ва туяларга эҳтиёж камайганини таъкидлайдилар. Айни пайтда Қашқадарёнинг шимоли ва шимолий шарқидаги ўнлаб, юзлаб, тоғли қишлоқларда хўқизларни қўшга қўшиш, от ва эшакларни мениш ҳамда юқ ташиш учун сақлаётганликлари гувоҳи бўлдик. Сигирлар воҳадаги барча қишлоқлар аҳолиси учун сут ва сут маҳсулотлари олиш воситасидир. Чорвачиликни ривожлантириш учун етарлича ем-хашак захиралари бўлиши талаб этилган. XX асрда бу борада вазият етарлича қоникарли бўлмаганидан ўлкамиздаги чорванинг аксари қўпчилиги айниқиса аҳоли қарамоғидаги чакана чорва кам маҳсули, жайдари зотли моллар бўлган. Хусусан 1989-йили тарихчи талабаларнинг Сурхондарёга дала этнографияси экиспедицияси давомида Мачай савхозида бўлганимизда 80 га яқин суғорила диган ери бўлган. Хўжаликда режа бўйича 100 та қора мол сақланаётганига 17 кмдан сомонни асосий емиш сифатида келтиришлари натижасида сигирларни аянчли аҳволига гувоҳ бўлганмиз[5]. Зомин туманининг Ленинград калхозида XX асрнинг 80 йилларида юзлаб қора молларни сақлашга мўлжалланган фермани битондан қурилиши остини ҳам битонланиши сигирларни қишида унга ёпишиб қолиши совуқ уриб кўплаб нобуд бўлганлигини ахборотчилардан эшитганмиз.

Қашқадарё воҳаси аҳолиси чорвачилигига кўплаб ўхшаш жиҳатлари бўлсада, этник гуруҳларнинг ҳар бирида уй ҳайвонларини боқишида ўзига хос усуллари ва жиҳатлари шакилланган. Айни пайтда бир элат истиқомат қиласига худудда ҳам чорвачилик хўжалигини юритишдаги Хилма – Хил усулларни кузатиш мумкин. Бу жиҳатлар табиий иқлим шароити қўшни элатлар, қабилалар таъсири ёки ижтимоий – иқтисодий сабаблар натижасида вужудга келган.

Қарши чўли аҳолиси, даштга туташ Чироқчи, Дехқонбод туманларида яйлов шароитлари турлича бўлган. Яйловлар учун гурухга бўлинган:

1. Қишлоқларга туташ далалар атрофидаги яйловлар жамоанини ҳисобланиб уларда ижтимоий ҳолатидан қатъий назар барча аҳоли (қишлоқ жамоси) моллари боқилган. Одатда бу яйловлардан куз ва қиши мавсумларида фойдаланилган.



2. Баҳорги ва ёзги яйловлар қишлоқдан 2 – 4 км ва ундан ортиқ масофада жойлашган. Бу яйловлар уруғ ва қариндош олиа гурухлари орасида тақсимланган.

3. Узок ўтлоқлар 8 – 10 ва ундан ҳам узок масофаларда жойлашган чўл яйловлар чўлдаги барча ўтлоқлар йирик молчи бойлар орасида тақсимланган. Уларнинг ҳар бирида бир неча отардан қўй ва кўплаб туялари бўлган[6].

Чўлдаги яйловлар хусусан Бухоро амирлигидаги яйловларга маҳсус амалдор Элбеги тайинланиб у уруғ қабилалар орасида яйловлар учун можаро чиқмаслигини назорат қилган. Закот, касб пули ва бошқа солиқларнинг ҳас пули ва бошқа солиқларни еғилиши назорат қилган. Элбеги мазкур вилоят begiga бўйсунган.

Чўлдаги яйловлар учун сув манбалари мавжудлиги муҳим аҳамият касб этган. Кудуклар айрим уруғларники ҳам бўлган ҳамда ушбу уруғ жамоаси аъзолари томонидан фойдаланилган.

Тоғолди худудларида жойлашган қишлоқлар яйловлари ҳам 3 гуруҳга бўлинган.

а) Кузги, қишки, баҳорги, ёзги яйловлар тоғолди адирларида бўлиб, уруғ жамоалари ихтиёрида эди.

б) Ўрта тоғларга ўтиш яйловлари уруғ қабилалар орасида тақсимланган.


с) Баланд тоғлардаги ёзги яйловлар. Уларда чорвани бой молчилар ва бой хонадонлар сақлаганлар. Адирдаги моллар иссиқ мавсум бошланиши билан аввал ўрта тоғ, сўнгра баланд тоғ яйловларига кўчишган. Тоғ яйловларида сув манбалари булоқ, жилғалар, тоғ сойчалари бўлган.

XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда жумладан Қашқадарё воҳасида ҳам чорвачиликнинг уч тури: яйлов ва қўра – яйлов ҳамда оғил чорвачилиги турлари мавжуд эди. XX аср давомида ярим ўтроқ чорвачилик ёки ўтроқ хўжаликнинг бир соҳаси сифатида чорвачилик ҳам бўлган. Бу чорвачилик турлари турли худудларда ўзига хос варианtlарга эга бўлган. Ўтроқ аҳолида чорва бошининг қўра ва қўра яйлов тизими, кўчманчи аҳолида яйлов тизими устун турган[7].

Ўтроқ аҳоли билан яримўтроқ аҳоли турли хилдаги чорвачилик хўжалигини юритганлар. Ўзбек ҳалқи таркибига кирган. Қарлуқ, турк, қўнғирот, юз, манғит каби йирик суб этник гурухлар аждодлари чорвадор бўлишган. Улар баҳорда қўйлар қўзилагандан сўнг отарларни адирлардаги яйловларга ёки дашт ўтлоқларига ҳайдаб чиқишган. Яйловларда аксари хотин – қизлар ва ўсмирлар бўлиб, эркаклар қишлоқларда дехқончилик ишлари билан банд бўлиб, яйловларга вақти – вақти билан озиқ – овқат етказиб турганлар. Бу хилдаги яйлов чорвачилигига асосан қўй эчкилар боқилган. Ярим ўтроқ ўзбеклар қўйчиликка алоҳида меҳр қўйғанлар ва бу узоқ тарихий анъанага эга ҳалқимизда болаларни “қўзичноғим” деб эркалашлари ушбу жонворга эҳтиромни англатади. Чўпонлар ўз рисоласи ва пирларини ҳозирга қадар сақлаб келмоқдалар. Дехқонбод тумани Ибн Сино хўжалигига 5.500 – 600 га яқин аҳоли яшайди. Орқабод қишлоғига 834 ўринли 3 қаватли мактаб қурилган. Чашманоб қишлоғига 150 ўринли мактаб мавжуд. Аҳолининг кўпчилиги қўнғиротлар қадимдан чорвадор бўлган ҳозирда ҳар бир хўжаликни 50 – 60 қўйи, 8-10 та қора моли бор. Қўйлар хисор зотли гўшти - ёғи учун боқилади. Савхозда 70 – 80 йилларда жуни учун ангор эчкиси боқилган. Ахборотчи Абдираим Бозоровнинг эсласича 1917 йилда қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, одамлар ҳар томонга Сурхандарёдан тортиб Қарши чўлигача кўчиб кетганлар. Донни мардикорлиқда ишлаб топиб келишган[8].

Таниқли элшунос олима Кармышева Б.Х. ўз мақоласидан бирида шундай ёзади: “Туркларнинг хўжалик фаолиятидаги ўзига хослик дунёда энг йирик қўйларни боқиши бўлган. Турклар чўпончилик меросий, фахрий касб ҳисобланган. Улар йилқичилиги, айниқса туючилик кам учраган. Йирик шохли молни турклар катта микдорда сақлашмаган. Калхозлаштириш бошлангунига қадар дехқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Боғдорчилик ва полизчилик уларда тасодифий хусусият касб этган.

Даштқипчоқ ўзбекларида ҳам чорвачилик асосий машғулот бўлган. Уларнинг айримларида уюр йилқичилиги, базиларида қўйчилик яна бирларида туючилик, қўйчилик



билин бирга олиб борилган. Ҷөхқончилик хусусан лалмига дон экиш ўзбек қабилаларида XIX асрнинг иккинчи яримидан анча юксалган. Боғдорчилик ва полиз экинлари етишириш уларда ҳам деярлик бўлмаган[9].

Қашқадарё воҳасидаги обикор ерлар танқис бўлган, экстенсив хўжалик юритиш шароитида чорвачиликка эътобор катта бўлган, асрлар давомида тўпланган анъаналар авлодан – авлодга ўтиб келган.

Қоракўл тери берадиган араби зотли қўйларни ўзбек ҳалқи тарикибига кирган: қорлуқ, турк, найман, сарой, қатағон, манғит, месит, олчин, қавчин, ябу(жабу), уч - уруғ, қипчок, ўз ва ўрта осиё араблари боқишигандан[10]. XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги ички бозорларига йилига 120 минг қоракўл териси келтирилган. Ўлка бозорларида қўйларнинг ўзига ҳам талаб катта бўлган. Уларни сотиб олиб боқишигандан. Тўй ва маракаларда қўйни ўз хўжалигидан чиқиши оиласа катта кўмак бўлган.


Қоракўл терилари ташқи бозорларга ҳам чиқарилган. Хусусан 1907-1910 йиллари 8862 та қоракўл тери 888 таси Европага қолгани Россияга олиб кетилган. Қоракўл терилари: қора тери, қўқ тери (шерози) ва қамбари жуда камёб сур навлари бўлган[11]. XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси ҳам бўрдоқи қўйга талабнинг ортиши туфайли чорвадор аҳолининг бир қисми дехқончиликни бутунлай ташлаб фақат яйлов қўйчилиги билан шуғилланганлар[12]. Фаллачилик билан шуғилланмайдиган ярим кўчманчи аҳоли эса сер ўт яйловларга эгалик қилиб тажрибали чўпонларни ёллаб ҳалқ амалий тажрибалари асосида ҳисори қўйлари наслини, яхшилашга эътибор қаратади. Россия Самарқандни истило қилиш давомида ўлкамизда 1868 йили бўлган туркшунос, элшунос немис олимни Радлов В.В Зарафшон воҳаси шаҳарларига қўйлар Шахрисабз ёки Қарши бозорларидан олиб келинганини ёзган[13]. Манбаларда ёзишича Шахрисабз ва Қарши Бухоро амирлигининг қўйчилик ривожланган худудлардан қўйларни ҳайдаб ўтиладиган транзит савдо йўлида жойлашган.

Бухоро амирлигининг бўрдоқи қўйчиликка ихтисослашган худудларидан бири Бойсун беклиги бўлган. Тадқиқотчи Н.А.Маеванинг ёзишича ўзбек қўнғирот қабиласи, умуман бойсунликларнинг муҳим бойлиги тоғли минтақаларда ҳайдаб боқиладиган қўйчиликдир.

Қишида Бойсун чорвадорлари қўшни Қашқадарё воҳасидаги Қарши ва Ғузор оралиғида улар ўз қўйларини Қарши орқали Бухорога ёки Шахрисабз орқали Самарқандга олиб кетадиган чорва савдогарларига сотгандар[14]. Демак XIX аср охирида Бойсун бўрдоқи қўйчилиги юқори даражали товар хусусиятида бўлган. Бу қўй тури Ўзбекистонда ҳисори, Тожикистанда ўзбеки деб номланган. В.С.Батраковнинг фикрича бу қўй зоти Ҳисор ўлкасида келиб чиққан сўнг Сурхон воҳаси ва Ғарб минтақаларига тарқалган[15]. Гўшт–ёғ учун яратилган бу қўй зоти XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи яримида ушбу худудларда пайдо бўлган. Ушбу мулоҳазаларга таяниладиган бўлса ҳисор қўйлар Ҳисор ва Сурхондарё воҳаларида тарқалиб, маҳаллий аҳолининг асосий хўжалик турларидан бирига айланади. Бу борада қоракўлчиликка қиёсласак унинг тарқалиши сирлари (худудлари) анча кенг эканлигини таъкидлаш лозим. Қолаверса хонликлардаги бу қўй натурал хўжалиги хукмронлиги шароитида яни юқори унумли мол зотларини тарқалишига ҳам эҳтиёж бўлмаган. Бугунги кунда ўз қўй отлари зотини сақлаш, яхшилашга интилаётган Сирдарё – Жиззах вилоятидаги қўйчи фермерлар ҳисорга бориб эркак қўзиларни олиб келиб боқиб, сўнг қўйларга урчитишга қўймоқдалар.

Амирликдаги ўз нсейман, ябу (жабу) месит, олчин ва ҳ.к.лар баҳорги ва ёзги мавсумларда Қарши чўлининг ғарбий томонларида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлар. Чўлнинг шимолий – шарқий қисмида ших, сарик қарлуқ, каби қабила уруғлар ўз қўй отларини боқсанлар. Улар Пўлоти қишлоғида жойлашган элбегига бўйсунганлар[16].

Найман, хитой, урғуч, Ўрта Осиё араблари Қарноб чўлининг ғарбий қисмини эгаллаган уруғ-қабилалар жийдалиқ қишлоғида жойлашган амирлиги дашт яйловлар маъмурий бошқаруви элбеги қўлида бўлиб, у қабилалар яйловлари чегараларини бузмаслиги, масалаларидаги муаммоларни ҳал этган.



XX асрда ҳам аҳоли қўйчиликнинг қорақўлчилик ва бўрдоқи қўйлар зотлари боқилган. Қорақўл қўйлари Қарши чўлида (Қарши, Ғузор, чироқчи бекликларида), Самарқанд ва Катта кўрғон уездларининг жанубий ва жануби ғарбий қисимларини, шунингдек Бухоро воҳасининг Қарши чўли билан чегарадош зоналари ҳам киради.

Қорақўл қўйларни боқиш билан қарлук, найман, сарой, қатағон, манғит, месит, олчин, қовчин, ябу (жабу), хтой, уч уруғ ва ҳ.к Уруғ – қабилалар шуғулланганлар. Қорақўлчилик билан Қашқадарё воҳасининг жанубий қисмида (Полик, Муборак, Сариқ) яшовчи туркманлар, Бухоро вилояти Олот туманидаги араблар, Нурота ўзбек туркманлари ҳам фаолият йўритганлар.

Қўйни алоҳида отарларга – сурув, кораларга бўлиб боқишиган. Тоғли ҳудудларда бир отарда 500-600 қўй, чўл – даштларда 600-1000 гача бўлган. Отарни икки ёки учта чўпон боққан. Улардан энг тажрибалиси чўпон, яна бири ёрдамчи чўпон дейилган. Йирик отарларда маҳсус чўлук ёки обкаш номи билан маҳсус одам сақлаб, у отарни суғоришга мутассади бўлган. Тўл олиш (қўзилатиш) пайтида феврал – март ойларида отарда хизмат қиласидан кишилар сони қўпайган. Чўпонлар одатда 6-ойга ёлланган. Собиқ Бухоро амирлиги ҳудудида унга 3 – 4 та, энг машҳур чўпонга 6 тага қўй берилган. Ёрдамчи чўпонларга унинг ярими берилган. Чўпонга қўйиладиган асосий шарт отарни йўқотишиларсиз сақлаш бўлган. Агар мавсум сўнгида қўйлар саналганида етишмовчилик бўлса, чўпон отар эгасига ишлаб бериши керак бўлган[17]. Отар эгалари чўпон ва унинг ёрдамчиларини кийим – бош билан таъминлаганлар. Ёзда қўйлак, иштон, салла ёки дўппи, қиша телпак, тўн ёки чакмон, чайдан, этик ёки чориқ берилган. Одатда бу шартлар тўлиғича бажарилмаган. Отар эгаси чўпон ва ёрдамчиларни озиқ билан ҳам таъминлаган.


Қўйларнинг жуни йилига икки марта қирқилган. Баҳорда апрелнинг охири – майнинг биринчи яримида, ҳамда кузда қўйларни қочиришдан аввал сентябрнинг ўрталарида қирқимдан олдин дарё ёки сой бўлса унда, бўлмаса қудук яқинида маҳсус саёзроқ ҳовузда чўмилтирилган. Жун қилиқ деб номаланган маҳсус қайчида олинган. Совет тузуми даврида маҳсус электр усталар ёрдамида совхоз ва калхозлар қўйлари жуни қирқилган. Қирқимчилар ҳар 10 та қўйдан бирининг жуни ҳисобига ишлаганлар. Яхши қирқимичи бир кунда 50-60 та қўйни жунини олиши мумкин эди. Баҳорги жунни ўлик жун дейишган. Кузги жун сифатли, юмшоқроқ бўлган.

Февралнинг охири – мартнинг бошида қўзилатиш жараёни бошланган. Уни ўтқазиш учун маҳсус очик майдон танланган, унда майда ўсимликлардан ташқари, тоза сув ҳам бўлишига ҳаракат қилишган. Янги тўғилган қўзичоқларни асраш учун ер тўлалар қурилган, ўтовлар тутилган.

Икки – уч ёшли араби қўйларни қўриқдан ўтказиш, урғочи тўхлиларни, она қўйликка қолдиришади. Эркак қўзилар ичидан ҳам энг зотлиларини, баркамол, бақувватларни қўчкорликка қолдириб, қолганларини бичишган.

Қўйчиликда қўчкорларни тайёрлаб ўрчишига қўйиш ҳам муҳим тартиблардан биридир. Одатда 100 та қўйга Зта қўчкор қолдирилади. Совлиқларни қишлоқда қолдириб, уларни моҳир чўпонларга топширганлар. Даладан арпа, буғдой ва ҳ.з.лар экинлар йиғиб олиниши билан у жойларни қўйлар учун яйловга айлантиришган. Қочиришга 40 – 45 кун қолганда яйлов ўт–ўланларига қўшимча дон арпа еми беришган. Қўчкорларни чори, панжи ёшидан, айримларини асраб 5-6 ёшидан қочиришга қўйишган. Айни пайитда қон аралашмаслиги учун қўчиқорларни назорат қилиб туришган бу ҳолда Қорақўл тери сифатсиз бўлишини қадимдан билишган[18].

Думбали гўшт ва ёғи учун боқиладиган Ҳисори ҳамда жайдари зотли қўйларни боқилиши Қорақўл қўйларини кўп жиҳатдан ўхшаш. Асосий тафовут қўйруқли қўйларни боқишида уч кунлик қўзилар сўйилмай барчасини боқишида давом этишади. Яйловларда ҳам маълум тафовутлар мавжуд думбали қўйлар аксари тоғолди тоғ яйловларида қўплаб ўсимликлар ҳамда оқар сувлар бор жойда боқилган. Дастлаб текисликларда боқилган қўйлар ҳаво исиши билан аввал адирлар, сўнг тоғли яйловлар бағрига ҳайдалган. Ўрта ва юқори тоғ



яйловларида отарлар кузнинг ўрталариға қадар қолган. Кузнинг иккинчи қисмидә отарлар ортга қайда бошлайды. Паст текисликка қайдан қўйлар экинлардан бўшаган майдонларда боқишида давом этади.

Юқорида ёзилганлардан қўй отарлар айниқиса қоракўл қўйларини боқиши ва урчиши қанчалик мураккаб жараён эканлиги кўриниб турибди. Чўпондан юксак маҳорат талаб қилинган уларни тажрибали кишилардан танлаб олишган. Чўпон бўлиш учун отарда 5-10 йил ишлаш талаб этилган.

Чўпон ва унинг ёрдамчилари қоракўлчилик хўжаликлари отари билан бутун йил давомида юриб фақат қўйлар дам олганида тинганлар. Гўшт - ёғ учун боқилган қўйлар чўпонинг турмуши ўзгачароқ бўлиб, улар аксари ҳолатда оиласлари билан ўз ўтовларида нисбатан қулай шароитда яшаганлар.


Қисқа дам олиш вақтини чўпон дўмбира, най чалиш, достонлардан парчалар хиргойи қилиш билан ўтқазганлар. Чўпон ўзи билан пичок, бигиз, паки, қайроқ, чақмоқ тош ва бошқаларни олиб юрган. Пичноқдан бошқа зарур асблоблар гадор деб номланган филофга солиб қўйилган. Чўпонлар сопол ва ёғочдан коса, пиёла ва бошқа идишларни маҳсус чаримдан филоф тиркашга соглан ҳолда олиб юрганлар. Сув учун кўза чой қайнатиш учун қумғон нон учун теридан қопча сана эшакнинг устидаги хуржунда доимо сақланадиган буюмлардир.

Чўпоннинг доимий ҳамрохи унинг таёғига алоҳида эҳтиром билан қаралган одат бўйича ерда ётган таёқ устидан ўтиш, уни босиш тақиқланган уни ердан олган одам икки қўллаб ушлаб, уч марта ўпид бирор нарсага суяб қўйиши лозим бўлган таёқни устидан босиб ўтиш қўйларни касаллига ва хато ўлимига сабаб бўлиши ҳақида тасаввурлар бўлган, қўйчилар таёқни танлашдаги муваффақият кейинги ютуқлар гаррови эканлигига ишонадилар. Халқ мақомида чўпонинг таёғидан, келиннинг оёғидан деб бежиз айтишмайди. Бунда ҳар икки нарса муваффақият гаррови сифатида кўрсатилмоқда.

Биз дала экспедицияларида бўлган барча туманларда. Дехқонбод, Бойсун, Нурота, Фориш, Зомин қўйчилик билан боғлиқ кўплаб ирим одатлар сақланган. Улардан биринчиси қўйларни қўрадан чиқаришда қўра эшигини икки томонига исриқ тутатиб қўйларни ҳайдаб ўтилиши ҳозирга қадар сақланган. Отарлар эгалари қўйларни яйловга ҳайдашдан олдин қўй сўйиб қишлоқнинг оқсоқолларни чақирган. Мулла рисолани ўқиган касб китоби чўпонларни пири чўпонотага бағишиланган[19].

Яйловга қўйни чиқариладиган куни чўпонни ўзи танлаган бу кун албатта хосиятли чоршанба, пайшанба ёки жума бўлиши лозим эди. Яйловдан қайдан қўйни қишки қўраларга киритишдан олдин гулхан ёндириб қўйларни бало қазолардан тозалаб сўнг ичкарига қўйиб яна эхсон, муллани рисола ўқиши тадбирлари ўтқазилган. Совет тузуми даврида бошқа касбларга бағишив кечалари қатори “чўпонликка” бағишив тадбирлари ўтқазилаған. Унда маҳаллий ҳаваскорлар ансанбиллари чиқишилари, совғалар, ёрлиқлар топшириш анъаналари бўлган. Хусусан XX асрнинг 90 йилларида тарих факултети талabalari билан Нуротанинг “Кизилча” савхозида камсамол ёшлар биригадасида меҳмон бўлганимиз ёдимизда қолган.

Йирик шохли мол боқиши ўзбеклар хўжалигида қўйчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Қашқадарё воҳасида ҳам чорвачиликнинг бу соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар бўлган. Бугунги кунда пойтахт Тошкент бозорлардаги мол қўй гўштларининг катта қисмини қашқадарё вилояти аҳолиси таъминлаётгани барчага маълум. Йирик шохли молларни асосан яйловларда боқишиган. Фақат қишининг қорли қировли кунлари улар оғилхоналарда сақланга совет тузуми даврида савхоз ва калхозларда қўй бўлмаслиги мумкин эди. Лекин пахтачилик раёнларида ҳам қорамолчилик фермалар албатта бўлиши хар йили давлатга маълум миқдорда гўшт, сут, тухум топширишлари режаси бўлган. Ўтмишда йирик шохли моллар айниқиса хўқизларни боқиши ҳам ўтроқ, ҳам ярим кўчманчиларда мухим ўрин тутган. Хусусан хўқизларни асосий тортиш кучи сифатида фақат ўз хўжаликлари учун эмас бозорда сотиш учун ҳам боқишиган. Ем ҳашак захиралари сероб бўлмаган худуларда хўқизларни баҳорда дала ишлари бошланиш арафасида сотиб олиб кузда сотиб йўборишгани маълум[20]. Хўқизларни бозорда сотиш учун боқадиган асосий аҳоли ярим кўчманчи аҳоли бўлиб, улар



воҳалар теварагида яшаганлар дала ишлари бошланмасдан 45 кунлар аввал хўқизларга қўшимча ем кунжара, кепакни майдада буғдой сомонига қўшиб беришган. Ёзда хўқизлар хирмондаги донни янчиш, ерни омочлаш, молалаш ишлари учун қўшимча ем билан боқилган[21].

Ўтрок аҳоли сигир ва бошқа йирик шохли молларни далада узокроқ сақлашга интилган. Совуқ кунлари молҳонага киритиб ҳаво очиқ кунлари ташқарига боғлаб ем – хашак берганлар. Базида экинли майдонлар четларида кичик ер майдонлари бўлиб, унинг эгалари увотда фақат ўз молларини боққанлар унда ўсадиган ўтлардан хашак тайёрлашган.

Ўзбекистон хусусан Қашқадарё воҳасида ҳам XX асрнинг бошларига қадар маҳаллий зотли жайдари қора моллар боқилган. Улар ўлқанинг табиий иқлим шароитига, ёз иссиқларига чидамли бўлган, лекин ғошт сут маҳсулотлари унуми кам эди[22]. Бу моллар паст бўйли сути 3 – 4 литр сутининг ёғлилиги 4% гача жуда юқори. Аҳоли молнинг зотини яхшилашга интилган. Фақат Совет даврида хориждан зотли қорамоллар келтирила бошланади. Айниқиса хўжаликлардаги қорамоллар ветинария ҳизмати, зотли буқалардан қочириш сингари тадбирлар ўтказила бошланади.

Ҳали витенария ҳизмати йўлга қўйилмаган пайтда сигр ёки қорамол касал бўлса маҳаллий чўпонга мурожат қилишган. Чўпон таёғи билан кўтариб ёки дўпписи, телпаги билан силаб даволаган. Бу тадбирлар иш бермаса молни бирор авлиёнинг мозорига элтиб уч марта айлантириб чиқишган. Халқимизда қорамолнинг пири Зангигита (Зангибобо) ҳисобланган.

От ўзбеклар ҳаётида XX асрнинг ўрталарига қадар муҳим ўрин тутган отнинг гўштидан таомлар тайёрланишидан ташқари териси мустаҳкам бўлган. Бия сутидан найман, қипчоқ қабилалари қимиз тайёрлашган.

Халқимиз отларни қадим замонларда боқишган. От инсоннинг ҳарбий юришларида, қўчишларида, душмандан чекинишлирида доимий ҳамроҳи. Ярим ўтрок ярим кўчманчиларда отлар кўчишлар ва чорвани бокиша асосий кўмакчи бўлса улар дехқончилик хўжалигига отдан ҳосилни еғиш, янчиш, озиқларни бозорга элтиш, баъзида ерни омочлашда ишлатилган[23]. Отларни фидиракли транспорт воситаси аравага ҳам қўшишган. Отлардан ун тегирмони каши-хаши ҳамда жувозда - ёғ олишда ҳам фойдаланилган. Отлардан халқ ўйинлари кўпкари ва улоқларда фойдаланилади. Ушбу ўйинлар халқимиз орасида бугунги кунга қадар сақланиб келмоқда. Юқорида айтилганлардан отларнинг воҳа аҳолиси ҳаётида қанчалик аҳамиятли бўлганини кўриш мумкин. Тогоғоди ва тоғли қишлоқларда, машиналар ўта олмайдиган ҳудудларда отлар XXI асрнинг бошида ҳам ўз ўрнига эга бўлган.


Ўзбекларда қўшини, қозоқ, кирғиз халқларидан фарқлироқ отлар уюрларда оммавий боқилмаган. Фақат лоқайлар, Нурота ўзбек туркманлари ва бошқа гуруҳларда уюр ийлқичилиги бўлган.

Лоқай бойларида айрим уюргани йилкилар сони бир мингтагача етган[24]. Зарафшон водийсидаги бой ўзбекларда 200-300 бош айрим бой ер эгаларида 600 ва ундан кўпроқ отлари бўлган. Бундай хўжаликларда йилқичилик даромад манбайи бўлиб, бозорга чиқарилган. Ярим ўтрок бойларда 10-15 та, айримларида 4-5 тадан зотли отлар сақланган. Айнан шу отлар пойгалар ва улоқларда қатнашиб эгасининг довруғини чиқарган.

Аҳоли қорабайир, лоқай турк ва баъзида араб зотли отларни боққан. Энг кенг тарқалган от зоти қорабайир эди. Бу отлар кенг яғирини (кўқраги) билан хусусиятланган. Яхши югуриши, жисмоний баққуватлиги, чидамлилиги, узоқ пайт ҳаракатда бўлиши билан ажралиб турган. Отларни чатиштириш орқали: ўзбек, миёнқол, ургут зотлари олинган. Уларни ичидаги ўзбек оти оғир юкли араваларни тортиши билан хусусиятланган[25].

Лоқай зоти ўзбек лоқайлар томонидан яратилган бўлиб, бу от чиройли гавдаси, тоғ ўйларида 150 – 160 кг юқ билан 1 суткада 80 ва ундан кўп километр йўл босиши мумкин эди. Араб зотли отлар айниқиса Қарши воҳасида кенг тарқалиб, ўзининг чидамлилиги, сув ва емсиз узоқ масофаларни босиб ўтишга қодирлиги билан хусусиятланган.

Ўтмишда ўзбеклар хўжалигига туялар ҳам боқилган. Уларда юқ ташиш омочга қўшиш қудук сув кўтариш ва х.к.ларда фойдаланишган. Хулоса қилиб айтилганда XX асрнинг



ўрталаридан янги замонавий жараёнларга мос бўлмаган чорва моллари: отлар, туйлар аҳоли хўжалигида ўз ўрнини йўқотди. Бугунги кунда отлар, эшаклар аксари тоғолди ва тоғли қишлоқларда унумли фойдаланилиб келинмоқда. Ҳали қишлоқларимизда ўзининг зотдор отини замонавий техникадан устун қўядиган инсонлар топилади.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати: (References)

1. Ковалевский А.П. Книга Ахмеди ибн Фадлана о его путешествии на Волгу в 921- 922 г. Харьков 1956 –С.130.
2. Кармышева Б.Х. Узбеки локайцы Южного Таджикистана. Сталинабад. 1954. Т. -С 97-127.
3. Арандаренко Г.А. Скотоводство в Зерафшанской долине // ТВ, 1880 № 6, -С. 78.
4. Кармышева Б.Х. Типы скотоводство в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX нач - XX века) СЭ. 1969 № 3, -С. 44-50.
5. Дала маълумотлари Т.Ў Салимовнинг дала кундаликлари Бойсун тумани Мачай қишлоғи 1989 йил.
6. Узбеки. Коллективная монография. -М .2011г -С. 120.
7. Ўзбекистон худудида анъанавий этнослараро жараёнлар. – Т., 2011. –Б. 39.
8. Дала маълумотлари Дехқонобод тумани Ибн Сино хўжалиги
9. Кармышева Б.Х Этнографическая группа «тюрк» в составе узбеков // СЭ. 1960 № 1, -С.17.
10. Узбеки.Коллективная монография. –М. 2011 с 122
11. Узбеки.Коллективная монография. –М. 2011 с 122
12. Батраков В.С Особенности развития сельского хозяйства Бухарского ханстве. – С.164
13. Радлов В.В. Из Сибири. –М, 1989
14. Маев Н.А Географический очерк Гиссарского края // МСТК Вып 5, СПб, 1874, -С. 327.
15. Батраков В.С Кўрсатилган асар. –С.171.
16. Узбеки. Коллективная монография. - М 2011г –С.123.
17. Шаниязов К. Отгонное животноводство у узбеков // ОПИХНАСАК. –Л., 1973. –С. 87-98
18. Шаниязов К. Отгонное животноводство у узбеков // ОПИХНАСАК. –Л., 1973. -С 93
19. Дала маълумотлари. Дехқонобод тумани 2016й
20. Миддендорф. Кўрсатилган асар. – С. 289.
21. Справочная книжка Самаркандинской области. 1898. Вып. 3. –С.82.
22. Узбекистан. Экономическо – географическая характеристика, -Т., 1950. – С.118.
23. Калинин В.И. Яковлев А.А. Коневодство. –М., 1961.
24. Кармышева Б.Х. Узбеки локайцы южного Таджикента Историко-этнографический очерк животноводства в дореволюционный период. - Сталинабад. 1954 г, -С.97
25. Шишов А. Сарты. 1904. –С. 227.